

Дўпписиз намоз ўқиса бўладими?

18:40 / 24.04.2016 6666

Ҳайит намозига чиққанимда бир отахон: «Нега бошингга дўппи киймадинг, бош кийимсиз намоз ўқисанг қабул бўлмайди», дея менга танбеҳ бердилар. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Бу масала айниқса ёшлар билан қариялар ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлаётгани ҳаммамизга маълум. Бошланг намоз ўқиса намози қабул бўлмайди ёки мумкин эмас, деган гап бироз нотўғри. Намоз ўқиш ёки унинг қабул бўлиши шартларида бош кийими талаб қилинмаган. Аммо кўпчилик ёшларнинг мана шу нарсани эътиборсиз қолдириб, қасддан доимий равишда бошланг намоз ўқишни одат қилиб олишлари ҳам одобдан эмас. Дўпписиз намоз ўқиш китобларимизда беодоблик экани қайта-қайта таъкидланган. Ҳозирги кунда ўша бошланг юрадиганларнинг кўплари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилиш лозимлиги тўғрисида кўп гапиришади. Лекин бу борада у зотнинг, саҳобалар, тобеъинлар, уламолар ва ўтган барча азизларимизнинг амалларини эслашни ўзларига эп кўришмайди. Агар масалага инсоф билан қараладиган бўлса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, саҳобалар, тобеъинлар ва яқин-яқингача барча мусулмонлару, уламолар ҳам бошланг намоз ўқишни ўзларига эп кўришмаган. Модомики, ўтган солиҳ аждодлар изларидан эргашишни даъво қилар эканмиз, бошланг намоз ўқигандан кўра бош кийими билан намоз ўқиш одоб юзасидан афзал эканини тушуниб етишимиз лозим (Аллоҳ билувчидир).